



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 29 октябрь, № 231 (8011)

Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда Шавкат Мирзиёев ишончли галаба қозонгани муносабати билан унинг номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.

**Россия Президенти Владимир Путиннинг** табрикномасида овоз берилган Шавкат Мирзиёевнинг юксак сиёсий обрўни, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва унинг манфаатларини халқроқ майдонда ҳимоя қилишга қаратилган сиёсати қўллаб-қувватланаётганини тўла-тўқис тасдиқлагани таъкидланган.

“Сиз мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга катта шахсий ҳиссангизни қўшаёсиз. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан бундан буён ҳам шериклигимизни турли соҳаларда кенгайтиришимиз, минтақа ва глобал кун тартибидagi долзарб масалаларни ҳал этишда конструктив ҳамкорлик қилишимизга ишонаман. Бу, ҳеч шубҳасиз, Россия ва Ўзбекистоннинг дўст халқлари манфаатларига жавоб беради. Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлаш мақсадларига мос келади”,

дейлади Россия етакчисининг мактубида.

**XXР Раиси Си Цзиньпин** ўз қутловида Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолияти даврида мамлакатимиз жадал ривожланишига эришгани, янги қиёфа касб этаётгани ҳамда шу орқали Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга муҳим ҳисса қўшаётгани таъкидланган. Ўзбекистон давлат қурилишининг барча соҳаларида янги муваффақиятларга албатта эришади, деб ишонч билдирилган.

“Мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик соломасида Сиз билан биргаликда янги саҳифа очиш учун барча саъй-ҳаракатларни қаратишга тайёрман”, деб таъкидлаган Хитой Раиси.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб иккинчи мuddатга сайланганингиз мамлакат халқининг Сизнинг раҳбарлигингизга ва раҳнамолигингизга остида амалга

ошириладиган ислохотларга бўлган ишончи раъздир. Бу Ўзбекистоннинг демократик йўлда эришган улкан муваффақиятларини ҳам акс эттиради.

Сизнинг қайта сайланганингиз ҳақидаги хабарни мен катта мамнуният ила қабул қилдим, чунки бу шахсан биз учун Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш йўлидаги ҳамкорликни давом эттириш учун янги имкониятлар яратди”, дейлади **Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг** мактубида.

**Покистон Бош вазири Имон Хон** мамлакатимиз етакчисини ёрқин галабаси билан қутлади ҳамда “Ўзбекистон халқи яна бир бор унинг моҳир раҳбарлигига ишонч билдирди. Мен Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали ҳамкорлик давом этишидан умидворман”, деб таъкидлади.

**Италия Президенти Серджо Маттарелла** ўз табрикномасида Ўзбекистон

ва Марказий Осиё минтақасини яқин беш йилда янада ривожланиш учун барча имкониятларга эга бўлишига ишонч билдирди. Мамлакатимизнинг юксак марраларни кўзловчи ислохотларни амалга ошириш ҳамда Тошкент ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланди.

**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён** Президент Шавкат Мирзиёевни иккинчи мuddатга сайлангани билан самимий табриклаб, унга сийҳат-саломатлик ва

бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига эса доимий тараққиёт ва равнақ тилади.

“Халқларимиз фаровонлиги йўлида икки томонлама ҳамкорлик муносабатларининг янада мустаҳкамлашга бўлган содиқлигимизни яна бир бор тасдиқлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Ўзбекистон халқининг янада тараққиёт этиши ва фаровонлиги йўлидаги инициативаларини рўйбга чиқаришда муваффақиятлар тилаб қоламиз”, дейлади **Ўмон Султони Ҳайсам бин Торик Ол Саиднинг** табрикномасида.

Шунингдек, **Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактум, БАА Курол кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби валиаҳди шайх Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён** ҳам самимий тилаклар билдирилган табрикномани йўлаганлар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон ИСМОИЛОВ:

## БАРЧАМИЗ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАН ОЛИНГАН ЕТАКЧИСИ АТРОФИДА ЖИПСЛАШАЙЛИК



гани — бу барқарорлик учун, янги Ўзбекистон истиқболи учун берилган овоз эканини англамоқ лозим.

Халқимиз аксарият қисмининг айнан Шавкат Мирмоновичга ишонч билдирилгани давлатимиз ташқи ва ички сиёсати юртдошларимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг яққол намойиши, мамлакатимиз етакчисини эришган юксак эҳтиромнинг яна бир тасдиғи, Ватанимиз олдидаги улкан ҳизматларининг, етакчилик иқтидорининг ҳамда заковати, бурч ва масъулият эгаси эканлигининг эътирофи, деб тушуномқ керак.

Юртбошимизнинг шу етакчилиги иқтидори, танлаган йўли Ўзбекистон тинимсиз ривожланиб боришига имкон беради, демократик ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтириш ва миллатлараро тотувлигини мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай олға боришини таъминлайди.

Шавкат Мирзиёевнинг янги президентлик мuddати ҳам мамлакатда илҳам институционал ислохотларни давом эттириш, юртимиз иқтисодийетини гуллаб-яшнатиш, қатор ижтимоий муаммоларни адолатли тарзда ҳал қилиш ва энг асосий кўрсаткич — халқ розилигига эришишдек эзгу ва қўлдамдор мақсадлари ушалишига имконият беради.

Шуни алоҳида айтишни истардикки, барчамиздан мамлакатимизнинг тан олинган етакчиси атрофида жиқслашимиз талаб этилади. Буни чуқур англаган ҳолда, парламентаризм қўйи палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари умумхалқ эътирофи, ишончига ва эъзозига сазовор бўлган Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб бориладиган ислохотларни тўла қўллаб-қувватлашга азму қарор қилган.

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШГА ҚАРАТИЛГАН МИНТАҚАВИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ



Пойтахтимизда Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти доирасида “Марказий Осиёда барқарор ривожланиш ва аёллар етакчилиги” мавзусида минтақавий конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури, “БМТ-аёллар” тузилмаси ҳамда БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ташкил этилди.

### ■ Конференция

Тадбир Марказий Осиёда барқарор ривожланиш, гендер тенглиги ва аёллар етакчилиги бўйича Минтақавий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, ёш аёл депутатларнинг етакчилик фазилатларини ошириш ва Барқарор ривож-

ланиш мақсадлари (БРМ)ни илгари суришда уларнинг иштирокини кучайтириш масалаларига бағишланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Марказий Осиё мамлакат-

лари етакчи аёллари мулоқоти раиси Танзила Норбоева ва мулоқотнинг бошқа аъзолари, БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори Мирьяна Сполярнич Эггер, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия минтақавий маркази раҳбари Наталия Герман, “БМТ-аёллар” тузилмасининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Алия Эл-Яссир, БМТнинг юртимиздаги мувофиқлаштирувчи вазифасини бажарувчи Ю Ю ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг республикамиздаги вакили Матильда Димовска иштирок этди.

## Андижонда Президент мактаби фаолият бошлади



### Таълим

Мамлакатимизда эртанги тараққиётимизнинг ҳал қилувчи кучи — навқирон авлод камолотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Том маънода юртимиз истиқболи, ёруғ келажгимиз бунёдкори сифатида уларнинг замон андозаларига мос таълим-тарбия олиши, қулай шароитларда яшashi ва ишлаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ТЕРМИЗ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

### ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан, жумладан, мевали ва ёнғоқ мевали, сабзавот, полиз, дон-дуққакли экинлардан юқори ҳосил олиш, уларнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши курашиш, илгор, интенсив агротехнологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш учун замонвий билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган эътиборни қондириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали негизида **Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтини** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Институтнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб **ҳудудларни ихтисослаштириш, экспортбop ва даромадбop қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни ташкил этиш**, қишлоқ хўжалигида **инновацион ресурстежамкор технологияларни** ҳамда **рақамлаштирилган агротехнологияларни** жорий қилиш бўйича замонвий билимларга эга бўлган **кадрлар тайёрлаш**;

ўқув машғулотлари, малакавий амалиётларни ўташда талабаларни инновацион ва янгича фикрлашга йўналтирадиган янги ўқитиш технологиялари ҳамда **уларнинг мустақил изланишини таъминловчи механизмларни** кенг жорий этиш;

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини, жумладан, **мева**ли ва **ёнғоқ мевали, сабзавот, полиз, дон-дуққакли, субтропик ва тропик экинларни** парвартишнинг **био-, нано- ва ресурстежамкор** ҳамда **интенсив технологияларини ишлаб чиқиш**;

Институт **ер майдонларида** ички ва ташқи бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, **қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил, шўр ва қурғоқчиликка, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли, маҳсулот сифати юқори бўлган нав ва дурагайлари селекцияси** ҳамда **уруғчиликни йўлга қўйиш**;

илмий ходимларнинг илгор инновацион технологияларни яратиш бўйича **ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг новаторлик гоёларини ишлаб чиқаришга жорий этишга кўмаклашиш**;

**кластерлар, кооперациялар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун кўргазмали дала майдонларини ташкил этиш** ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

ривожланган хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида **профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва магистрларнинг малакасини ошириш**.

(Давоми 2-бетда).

## ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК

Ўзбек ва тожик халқлар ўртасида асрлар давомида синовдан ўтган мустаҳкам дўстлик алоқалари мавжуд. Айниқса, кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг юксак саъй-ҳаракатлари туфайли бу азалий дўстлик, қардошлик алоқалари янада ривожланди, муносабатларимиз сифат жиҳатидан янги босқичга — стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилди.

### ■ Ҳамкорлик

Шанхай ҳамкорлик ташкилати Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммити доирасида жорий йил 16 сентябрь куни Душанбе шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Музокараларда кўп қиррали Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг дол-

зарб масалалари кўриб чиқилди. Олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ иқтисодий тармоқларда кооперация лойиҳаларини ва маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурини

амалга ошириш мақсадида фаол мулоқот ва алмаши-нуларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди. Дарҳақиқат, икки қардош халқ ўртасидаги яхши қўшничилик ва умумий манфаатларга асосланган ҳамкорлик самараси ўлароқ кейинги йилларда маданий-гуманитар алоқалар янада фаоллашди. Дўстлик делегациялари ташрифи ва ижодий сафарлар уюштирилиб, маданий кунлари, кўргазмалар, анжуманлар ўтказилиши анъана тусини олмоқда. Ҳамжиҳатлик ва фаол саъй-ҳаракатлар кўп қиррали минтақавий ҳамкорлик учун янги имкониятлар очиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ТЕРМИЗ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

2. Белгилансинки, Институтда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

бакалаврият таълим йўналишларида таълимнинг кредит-модуль тизими босқичма-босқич жорий этилади. Бунда талабалар учун ҳафтанинг шанба куни мустақил ўзлаштириш куни деб белгиланади;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режалари ва фан дастурлари хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқланади.

Институтнинг фаолияти Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги: 2022 йил якунига қадар Институтда Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан талабалар, магистрлар ва илмий изланувчилар ҳамда ёш профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишланмалари асосида лойиҳалашнинг дастурларини яратиш ва амалиётга таътиқ этиш билан шуғулланувчи IT-инкубатор илмий инновацион марказини ташкил этсин;

Институтга тегишли ер майдонларида халқаро грант маблағлари ҳисобидан анор, хурмо, лимон, қора олхўри, узум ва бошқа мева-сабзавотларнинг юқори ҳосилли, йилига 2-3 мартаба ҳосил олишга имкон берадиган навларини яратиш бўйича кўргазмали дала майдонларини барпо этсин;

анор, хурмо, лимон, қора олхўри ва узум етиштиришнинг янги самарадор агротехнологияларини яратиш бўйича бажариладиган йиллик мақсадли илмий лойиҳаларни шакллантириб, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида молиялаштириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим қилсин. Бунда Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли илмий-техник кенгашиларнинг асосланган хулосалари асосида белгиланган тартибда грант маблағларини ажратиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда келгуси йиллар учун мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида Институт ҳудудида бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини олий таълим соҳасига ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдирлар киритсин.

4. Қуйидагилар: Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш

институтини фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларига бириктирилган илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва йирик хўжалик субъектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига амалиёт ўташ учун бириктирилган илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва йирик хўжалик субъектлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқланади.

5. Белгилансинки: Институт Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институтга қабул параметрлари белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ресурс тежовчи технологиялар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда талабалардан келиб чиқиб қайта ишлаб чиқсин ҳамда ўқув жараёнига жорий этсин;

ҳудуднинг кадрларга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиб, Институтда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кечки (сменали) таълимни ташкил этиш, 2022 йилдан бошлаб илмий салоҳиятини ошириш учун олий таълимдан кейинги таълим (докторантура)га қишлоқ хўжалиги ихтисосликлари бўйича қабулни ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақдирлар киритсин.

7. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйиладиган белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; тўлов-контракт асосида ўқитилган тушадиган маблағлар; хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар; халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳоимийлик хайриялари; қўнчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилансинки, Институтни бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш ҳаражатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражада

бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан:

Институтнинг "Анорчилик" йўналишидаги профессор-ўқитувчиларини ва таҳсил олаётган ёш олимларини анор етиштириш тажрибасини ўрганиш учун илғор хорижий давлатларга малака ошириш курсларига ва стажировкаларга юборилишини; хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режаларини хорижий экспертлар иштирокида белгиланган тартибда ишлаб чиқишини;

Институтнинг профессор-ўқитувчиларини, илмий ва техник-муҳандис ходимларини ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, агрокластерларда, кооперацияларда ва йирик ишлаб чиқариш ташкилотларида стажировка ўташи бўйича дастурлар ишлаб чиқишини ва унинг амалга оширилишини; икки ой муддатда Институтнинг тузилмаси ва устави тасдиқлашини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Институтга танлов асосида, шу жумладан, республика олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган амалий тажрибага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб этилишини;

Институтнинг ахборот-ресурс маркази маҳаллий ҳамда хорижий ўқув ва бадий адабиётлар билан тўлдирилишини таъминласин.

10. Республика олий таълим тизимидagi мавқеи, илмий салоҳияти, узоқ йиллар давомида шакланган аъёнларини инобатга олган ҳолда Тошкент давлат аграр университети тизимига қуйидаги йўналишларда Институтга кўмак бериб бориш юклатилсин:

салоҳиятли кадрларни жалб этган ҳолда таълим ва илмий фаолиятни ташкил этиш, таълим, тарбия, илмий ва ўқув жараёнларини самарали бошқариш; таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий материаллар ва ахборот ресурслари билан таъминлаш; профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва иқтидорли ёшлар селекциясини амалга ошириш, илмий тадқиқот ишлари учун қўшимча шaroитлар яратиш ва "Устоз — шогирд" тизими асосида илмий мактабларни ривожлантириш.

11. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги: Институтга хориждан ва республиканинг бошқа ҳудудларидан

ишга тақлиф этилган мутахассисларни тураржой билан таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида қурилаётган арзон уй-жойлардан имтиёзли шартлар асосида эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда хонадонлар ажратилишини;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021 йил якунига қадар талабалар контингенти ошиб боришини ҳисобга олиб, 2022/2023 ўқув йилидан Институтга яқин бўлган ҳудуддан қўшимча бино ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритилишини таъминласин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг:

Институтга Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, "Янгиобод" қишлоқ фуқаролар йиғини, Лимонзор қишлоғи ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш, унинг ўқув ва лаборатория жиҳозлари, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникалари, компьютер техникалари, ўқув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулкни топириши;

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг барча талабаларини Институтнинг мос таълим йўналишлари ва мутахассисликларига ўтказиш ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Институт дипломини бериш тўғрисидаги тақдирларга розилик берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги "Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 479-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қўнчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдирлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А.Боболов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 28 октябрь

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШГА ҚАРАТИЛГАН МИНТАҚАВИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Шунингдек, унда БМТнинг минтақа мамлакатларидаги вакиллари, Халқаро Қизил Хон жамияти, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги, ЕХТТ вакиллари қатнашди.

Конференция давомида Марказий Осиеда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш жараёни таҳлил қилинди. Жумладан, иштирокчилар 2030 йилгача барқарор ривожланиш кун тартиби доирасида гендер масалалари бўйича БРМга эришиш бўйича минтақавий ёндашувни ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқди.

Танзила Норбоева Ўзбекистонда БРМни амалга ошириш Ҳарақатлар стратегиясига ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

"Марказий Осиедаги барча мамлакатлар фазл иштирокчиси минтақада аёллар ўртасидаги ҳар томонлама амалий ҳамкорлик ва ҳамжихатликни ривожлантириш ва мустақамлаш борасидаги ишларимизни қўллаган натижани бермайдиган", деди Т. Норбоева.

БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори Мирьяна Споярич Эггер аёлларни жамият ва иқтисодийнинг барча баҳасида тўлиқ қамраб олмастан туриб, БРМга эришиш имкониятига инобатга олган

ҳолда, умумий сай-ҳаракатлар амалга оширилаётганини қайд этди.

"Хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятини кенгайтириш иқтисодий ўсиш, фаровонлик ва барқарорлик омили ҳисобланади. БМТ Тараққиёт дастури сиёсат, бошқарув ва иқтисодиётда аёллар етакчилигини рағбатлантиришга эътибор қаратишда давом этади. Гендер тенгсизлигининг барча шаклини бартараф қилиш ва аёлларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш орқали биз тинчлик ўрнатилишини ва жамият барқарорлигини таъминлашимиз ҳамда БРМ сари ҳаракатини фаоллаштиришимиз мумкин. Марказий Осие мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти БМТ Тараққиёт дастури ҳамкори бўлиб, бу тузилма барча сай-ҳаракатимизда, хусусан, самарали халқаро ва минтақавий ҳамкорлик учун майдон ва имкониятлар яратишда муҳим роль ўйнайди", деди М. Эггер.

БМТ Тараққиёт дастурининг Марказий Осиедаги вакили Матильда Димовсканинг таъкидлашича, бунун дунё, шу жумладан, Марказий Осие мамлакатлари ҳам барча соҳада — иқлим ўзгаришига қарши курашишдан тортиб, иқтисодиёт ва жамиятлар тикланишигача — энг катта муаммоларни ҳал этишда аёлларнинг етакчилиги ва маҳоратига, истеъдодига муҳтождир ва шу йўл билан БРМга эришди.

"Вазиятни ижобий томонга ўзгариштириш учун минтақа хо-



тин-қизлари истеъдодидан фойдаланишда давом этамиз", деди М. Димовска.

Конференция иштирокчилари Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишни жадаллаштириш учун трансформация ўзгаришларини рағбатлантириш, шунингдек, аёллар етакчилиги орқали гендер тенглигини таъминлаш мақсадида Марказий Осиедаги иқтисодий етакчи аёлларини қўллаб-қувватлаш масаласини ҳам чуқур таҳлил қилди.

Анжуман давомида "БМТ-аёллар" тузилмаси экспертлари томонидан Марказий

тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш юзасидан умумий минтақавий мақсадларга эришиш борасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва шу мақсад йўлидаги шериқлар белгилаб олинди.

Тадбир иштирокчилари томонидан билдирилган тақдирлар ва тавсиялар асосида Марказий Осиеда Барқарор ривожланиш, гендер тенглик ва аёллар етакчилиги бўйича Минтақавий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Куйи палатада

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА НИМАЛАР КЎЗДА ТУТИЛАПТИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда амалиётда қонунчиликда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини давлатнинг мажбурлов кучини сафарбар этмаган ҳолда ижро қилишнинг муқобил ҳуқуқий механизмлари мавжуд эмаслиги бир қатор ноқўлайликларни келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасига тегишли қўшимча киритилиб, ижро ҳужжатининг ижросини таъминламаганлик, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлиқни ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ҳам таътиқ этиш назарда тутилаётми.

Қонун лойиҳасининг қабул

охири чора сифатида мажбурий ижро органларига мурожаат қилиш тартибини жорий этиш тақдир қилинмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят кодекси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси жараёнига аралашганлик ҳаракатини маъмурий жазо қўлланилигидан кейин давом эттирилганлик учун жавобгарлик белгиланапти.

Шунингдек, лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасига тегишли қўшимча киритилиб, ижро ҳужжатининг ижросини таъминламаганлик, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлиқни ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ҳам таътиқ этиш назарда тутилаётми.

Қонун лойиҳасининг қабул

қилиниши билан ижро тартиб-таомиллари янада соддалаштирилади, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича ўз вақтида ижро этилиши, давлатнинг мажбурий ижроси жараёнига аралашганлик ҳаракатини маъмурий жазо қўлланилигидан кейин давом эттирилганлик учун жавобгарлик белгиланапти.

Шунингдек, лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасига тегишли қўшимча киритилиб, ижро ҳужжатининг ижросини таъминламаганлик, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлиқни ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ҳам таътиқ этиш назарда тутилаётми.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан ижро тартиб-таомиллари янада соддалаштирилади, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича ўз вақтида ижро этилиши, давлатнинг мажбурий ижроси жараёнига аралашганлик ҳаракатини маъмурий жазо қўлланилигидан кейин давом эттирилганлик учун жавобгарлик белгиланапти.

Шунингдек, лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасига тегишли қўшимча киритилиб, ижро ҳужжатининг ижросини таъминламаганлик, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлиқни ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ҳам таътиқ этиш назарда тутилаётми.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан ижро тартиб-таомиллари янада соддалаштирилади, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича ўз вақтида ижро этилиши, давлатнинг мажбурий ижроси жараёнига аралашганлик ҳаракатини маъмурий жазо қўлланилигидан кейин давом эттирилганлик учун жавобгарлик белгиланапти.

Шунингдек, лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасига тегишли қўшимча киритилиб, ижро ҳужжатининг ижросини таъминламаганлик, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлиқни ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ҳам таътиқ этиш назарда тутилаётми.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан ижро тартиб-таомиллари янада соддалаштирилади, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича ўз вақтида ижро этилиши, давлатнинг мажбурий ижроси жараёнига аралашганлик ҳаракатини маъмурий жазо қўлланилигидан кейин давом эттирилганлик учун жавобгарлик белгиланапти.

«Халқ сўзи».

КАШҚАДАРЁДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қўшма мажлис

Тадбирда Қашқадарё вилояти тегишли давлат органлари мансабдор шахсларининг жойларда коррупция кўринишларига олиб келадиган тизимли муаммолар ва бу борадаги ҳолат тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

Таъкидланганидек, ҳудудий идоралар томонидан "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун, Президентнинг 2017 йил 2 февралдаги қарори ҳамда 2019 йил 27 майдаги Фармони билан тасдиқланган корруп-

цияга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари ижросини таъминлаш чоралари қўрилган.

Шу билан бирга, 2020 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида ҳудудий давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жами 610 мартаба учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилган, омма-

вий ахборот воситалари орқали 868 мартабада чиқариш қилинган.

Мажлисда вилоятда коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ ҳаёт ва камчиликлар учрашишга ҳам эътибор қаратилди. Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ички идоравий назорат ўрнатилмаганлиги туфайли мактабгача таълим, халқ таълими, олий таълим, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш идоралари ҳамда ҳокимиятлар ва банк тизими мансабдор шахслари томонидан соҳага тегишли идоравий комплекс чора-тадбирлар ижроси тўлиқ таъминланмаган.

Қолаверса, давлат органлари, фуқаролар жамияти институтлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўзаро ҳамкорлик ва самарали ижтимоий шериклик тўғрисида йўлга қўйилмаган. Бунинг оқибатида вилоятда мансабдор шахслар томонидан содир этилган коррупцион жиноятлар сони 2020 йилда 123 тани, шу йилнинг

9 ойида эса 86 тани ташкил қилган.

Тадбирда шулардан келиб чиққан ҳолда, истиқболдаги вазифаларга уруғ берилди. Хусусан, порахўрлик, мансаб ваколатини суиистемол қилиш каби ҳолатларга чек қўйиш ҳамда коррупциянинг барча кўринишига барҳам бериш учун турли идоралар ва аҳоли ўртасида тарғибот ишларини янада чуқайтириш зарурлиги айтилди. Айни чоғда идоралар фаолияти молиявий натижасини очиб берадиган, коррупцияга қарши чораларни ошқор этишни таъминлайдиган механизмларни жорий қилиш бўйича ички назорат ва аудитни йўлга қўйиш ҳамда давлат органлари ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш каби таъминловчи чораларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Қўшма мажлисда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ОЛИЙ СУДЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Ўзбекистонга Корея суд тизими вакилларида иборат делегация ташриф бўлди. Корея Республикаси Олий суди раиси Ким Мён Су бошчилигидаги делегацияни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон Комилов қабул қилди.

К. Комилов меҳмонларга мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, судлар фаолиятида шаффоқлик ва очиқликни таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади суд ҳокимияти мустақиллиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини оширишдан иборат.

Учрашув давомида томонлар суд тизимини такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг роли ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ҳамда судларнинг мустақиллигини таъминлаш, турли судлов институтлари фаолиятини такомиллаштириш, судьяларни тайёрлаш ва судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш каби масалалар юзасидан фикр алмашди.

Шунингдек, мулоқот мубоайнида давлатларимиз Олий судлари мунтазам равишда ҳуқуқий ахборот алмашишни амалга ошириш ва ўзаро манфаатларни ифодаловчи бошқа масалалар бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш бўйича келиши олдди.

Учрашув якунида мамлакатларимиз Олий судларининг ўзаро манфаатларини ифодаловчи соҳалардаги ҳамкорлик ва алоқаларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берадиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Корея Республикаси Олий суди ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея делегацияси вакиллари судлар фаолияти билан танишиши, Судьялар олий кенгаши, Конституциявий судда учрашув ўтказиши қўшилмоқда.

**Н. АБДУРАИМОВА,**  
ЎЗА мухбири.

# КЛАСТЕРЛАР — АГРАР СОҲАНИНГ «ЛОКОМОТИВИ»

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ ҳўжалигида кластер тизимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда келгуси беш йилда қишлоқ ҳўжалиги ҳосилдорлигини камида 2 баробар кўтариш, хом ашёни чуқур қайта ишлаш, соҳа экспортини 7 миллиард долларга етказиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини янада ошириш, бунда кластерлар асосий таянч ва етакчи бўлиши лозимлиги таъкидланди.

## Муносабат

Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги иқтисодийнинг муҳим тармоғи саналади. Соҳада фойдаланилаётган ер майдони республика ҳудудининг 50 фоиздан ортигини ташкил қилади ва аҳолининг аксарият қисми ушбу соҳа орқасидан тирикчилик қилмоқда. Тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам ошиб бораётди.

Маълумотларга кўра, аграр соҳанинг «локомотиви» ҳисобланган кластерларга ер майдонининг берилиши натижа-сида пахтачиликда ҳосилдор-лик бир йилда 10 — 15 фоизга ошган. Чорвачилик, галла-чилик ва мева-сабзавот етиштириш ҳажми ҳам кўпай-ган. Шу билан бирга, толани қайта ишлаш 2,5 баробар ошиб, 100 фоизга етказил-ган. Шунингдек, калава ип

ишлаб чиқариш 2 баробар, тайёр маҳсулот 3 баробар ортган. Экспорт ҳажми йил якунига қадар 3 миллиард долларга етиши кутил-ляпти.

Ҳўш, кластер тизими қисқа вақт ичида шунчалик самара бераётган экан, нима учун ундан кенгрок фойдаланиб, ри-вожлантирмайсизми керак?

Давлат раҳбари иштиро-кида ўтган навбатдаги ви-деоселектор йиғилишида ана шу масалалар кенг муҳока-ма қилиниб, кластер фаоли-ятини ривожлантиришга тўсик бўлаётган муаммо ва камчиликлар очиб айтилди ва уларнинг аниқ ечимлари кўрсатиб ўтилди.

“Энг асосий муаммо — амалдаги эскича молия-лаштириш тартиби», — деди Президент. — У соҳани ри-вожлантириш бўйича қўйилган

талабларга мутлақо жавоб бермапти. Пахта-тўқимачи-лик кластерлари кредит муд-датларини узайтириш ва миқ-дорини кўпайтиришни сўра-япти. Ҳозирги кунда кластерлар-га кредит 11 ой мuddатга аж-ратилади. Пахта хом ашёсини етиштириб, уни қайта иш-лашга эса камида 24 ой ке-рак. Ерни экишга тайёрлаш октябрда бошланса-да, кре-дит 3-4 ой кечиктириб, ян-варь-февраль ойларида аж-ратилади. Бу эски тизим энди тўлқ ўзгаради”.

Таъкидланганидек, йиғи-лишда асосий муаммо — амалдаги эскича молия-лаштириш тартибини ўзгар-тириш, жумладан, кластерларга берилаётган кредит мuddати-ни узайтириш, миқдорини кўпайтириш, янги кредит ли-ниясини очиб, мева-сабзавот-чилик кластерлари ва коопе-рациялари учун қўшимча им-кониюлар яратиш, имтиёзли кре-дитлар ажратиш белгиланди.

Йиғилишда тегишли идора-ларга ушбу ташаббуслар иж-росини таъминлаш бўйича Фармон ва қарор лойиҳа-ларини ишлаб чиқиш вазифа-си қўйилди. Биз, депутатлар маз-кур ҳужжатларини ишлаб чи-қиш ва уларнинг ижросини таъминлашда ўзимизнинг му-носиб ҳиссамизни қўшамиз.

**Зафар АБДИРИМОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**



Салқин кунлар бошланиши билан Навоий шаҳрининг гоҳ у, гоҳ бу ҳудудидagi кўп қаватли уйларда иссиқ сув ва табиий газ таъминотида узилишлар кузатилаётир. Бироқ шаҳар аҳолиси буни табиий қабул қилмоқда.

## Тараддуд

Боиси ҳар йили айни шу пайтда куз-қиш мавсумига тайёргарлик сўнгги паллага кериб, иссиқ сув ва иссиқлик энергияси, табиий газ таъми-нотида тармоқлар оқори бо-сини остида ишлашга ўткази-лади. Аниқланган камчиликлар бартараф этилади. Қисқача айтганда, даҳлдор корхоналар-да иш вақти узайтирилган тар-тиб жорий қилинган, мутахас-сисларнинг қўли-қўлига те-гмайди. Ҳаракат серқатнов кўчаларда ярим тунда ҳам тар-моқлари таъмирлаш ишлари амалга оширилаётганини кўриш мумкин.

— Куз-қиш мавсумини бе-ташвиш ўтказиш мақсадида “Huddogaz Navoiy” газ таъми-ноти филиали томонидан бел-гиланган вазифалар ўз вақтида амалга оширилиб, 2021-2022 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик тад-бирлари якунланди, — дейди филиал матбуот котиби Зебо Кутлиева. — Мавсумга тай-ёргарлик даврида ўтган йили газ босими меъдордан пасай-иши кузатишдан ҳудудларда мавжуд сабаблар туман ва маҳаллалар кесимида ўргани-либ, жорий йилда уларни бар-тараф этиш чоралари қўрилди.

Тан олиш керак, йилдан-йилга истеъмолчилар сонининг ортиб бориши ўтган куз-қиш мавсумида баъзи ҳудудларда, айниқса, газ тақсимлаш қурилмаларидан олисда жой-лашган хонадонларда босим-нинг пасайишига сабаб бўлди. Бундай ҳолатлар Кармана ту-манининг Варқ, Каловот, Беш-кент, Кўҳнақўрғон ва Гулобод каби маҳаллаларида кўпроқ кузатилади. Шу боис жорий йил мавсумига тайёргарлик жараёнида мазкур ҳудудларда қувурлар ва газ тақсимлаш

қурилмалари тўлқ тафтишдан ўтказилди. Хусусан, 66,8 км. газ қувурлари босим остида зичлиги синилиб, ҳаво боси-ми ёрдамида тозаланди. 89,6 км. ер ости газ қувурла-ри эса прибор усули билан газ сизиб чиқиш ҳолати мав-жуд ёки мавжуд эмаслиги те-кширилди. Тадбирлар жараёни-да Қизилтепа туманида 10 та, Кармана туманида эса 3 та

Куз-қиш мавсумида табиий газ бориши қийин бўлган ҳудудлар истеъмолчиларини суюлтирилган газ билан уз-луксиз таъминлаш режасига кўра, 2021 йилнинг тўртинчи чораги давомида жами 4 минг 315 тоннадан зиёд, 2022 йил-нинг биринчи чораги давоми-да эса салкам 4 минг 207 тон-на суюлтирилган газ етказиш чоралари белгиланди.

Носоз, қўлбола газ жиҳоз-ларидан фойдаланиши оқибат-ида содир бўладиган бахт-сиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида филиалнинг сервис хизматини ривож-лантириш бўлими ҳодимлари вилоятдаги кўп қаватли уйлар-нинг 23 минг 263 та хона-дониди, шунингдек, 90 минг

“**Тан олиш керак, йилдан-йилга истеъмолчилар сонининг ортиб бориши ўтган куз-қиш мавсумида баъзи ҳудудларда, айниқса, газ тақсимлаш қурилмаларидан олисда жойлашган хонадонларда босимнинг пасайишига сабаб бўлди. Бундай ҳолатлар Кармана туманининг Варқ, Каловот, Бешкент, Кўҳнақўрғон ва Гулобод каби маҳаллаларида кўпроқ кузатилади.**”

ҳудуд газ қувурларида аниқ-ланган газ сизиб чиқиш ҳолатлари бартараф этилиб, вилот бўйича 3 минг 638 дона газ тақсимлаш қурилмасида аҳолига газ етказишда хавф-сизлик чоралари қўрилди.

Айни чоғда, ўтган мавсум-да Кармана, Қизилтепа, Навбахор, Хатирчи туманла-ридаги табиий газ босими пасайиши кузатишдан аҳоли пунктларида 13 дона газ тақ-симлаш қурилмасида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 1,9 км. газ қувурлари қўриқдан ўтка-зилди.

691 та ҳовли жойларига мав-жуд бўлган газ жиҳозларини техник қўриқдан ўтказди. Шун-ингдек, 1 минг 469 та улгур-жи истеъмолчининг 3 минг 530 та газ жиҳози ҳам техник қўриқдан ўтказилиб, хавфсиз-лиги таъминланди.

Шу кунларда вилотда мав-сумга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Кунлар эса совий бошлади, оstonада қиш. Унга тайёр бўлсак, қиш ҳар қанча қировли бўлмасин, зийнатли кечини, шубҳасиз.

**Темур ЭШБОЕВ**  
(«Халқ сўзи»).

# япония ЎЗБЕКИСТОНГА ГРАНТ АЖРАТДИ

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан хабар бериш-ларича, 200 минг долларлик ушбу грант болаларни ҳимоя қилиш тизимини такомил-лаштиришга йўналтирилади.

Грант лойиҳаси доирасида болаларни ҳимоя қилиш тизимини мус-таҳкамлаш, мажбурий меҳнатга жалб қилинишининг ол-дини олиш, руҳий саломатлик ва пси-хологик қўллаб-қув-ватлаш бўйича фао-лият кўрсатувчи ҳодимлар малакаси-ни ошириш кўзда тутилган.

Грант ёрдамида 70 мингдан ортиқ болалар ижтимоий ҳимояга олинади. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томони-дан ижтимоий соҳа ҳодимлари учун ўқув п л а т ф о р м а с и яратилиб, уларнинг билим ва кўникма-си ошириб борила-ди. Шунингдек, Халқ таълим вазирлиги ҳузуридagi иккита психологик-ижти-моий кўмак марка-зи зарур меъбел ва замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланади.

— Япония ҳуку-мати Ўзбекистон-нинг ижтимоий-иқтисодий ривожла-нишини мунтазам қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу Мар-казий Осиё минта-қаси ва Афғонис-тонда барқарорлик-ни таъминлашга қаратилган лойиҳа-ларимизнинг бир қисми бўлиб, бола-лар фаровонлигини оширишга хизмат қилади, — дейди Япониянинг Ўзбеки-стондаги элчиси Ёшинори Фуҗияма.

**Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
ЎЗА мухбири.

# Андижонда Президент мактаби фаолият бошлади

Давлатимиз раҳбарининг ташаб-буси билан юртимиз бўйлаб таълим тизимида ноёб, шу вақтга қадар муболиби бўлма-ган Президент мактаблари фаолиятининг йўлга қўйилаёт-гани бу борадаги муҳим чора-тадбирлардан биридир. Куни кеча Андижон шаҳ-

рида ана шундай замонавий Президент мактаби фаолият бошлади. Таълим муассаса-си биноси 86 миллиард сўмлик лойиҳа асосида бу-тунлай ўзига хос, кенг қулайликларга эга бўлган, кўркам кўринишда бунёд этилди. Мактабда таълим ти-зимиди илғор технологиялар-

ни қўллаган ҳолда ўқувчилар-ни ўқитиш ва тарбиялаш, ис-теъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, маънан етук ва интеллекту-ал жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш учун барча ша-роит яратилди.

— Ўқув даргоҳидаги ша-роитлар билан танишиб, қани энди болаликка қайтиб қол-саму, шундай шинам маскан-да ўқисам, деган ҳавас ўтди кўнглимдан, — дейди Ўзбеки-стон Қаҳрамони Камолиддин Ғопиров. — Бу ерда таълим оладиган болалар эртанги кун-имиз ижодкорларидир. Улар-га барчамиз катта умидлар билан қарамоқдамиз.

Бу йил мактабининг 5 — 10-синфларида 144 нафар ўқувчи имтиҳон асосида қабул қилинди. Уларга таъ-лим бериш учун 50 нафар

тажрибали педагог жалб этилди. Шулардан 4 нафари ҳорижлик мутахассис экан-лиги аҳамиятлидир. 23 на-фар тарбиячи эса болажон-ларнинг таълимдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишга маъсул бўлади. Масканда ўқувчиларнинг хорижий ва миллий олий таълим муассасаларига ки-риш имтиҳонларига тайёр-гарлик кўриши учун зарур имкониятлар ҳозирланган. Халқро малака имтиҳонла-рини (А level) топшира оли-шини таъминлаш мақсадида ёшлар ўзлари қизиққан тан-лов фанлари бўйича чуқур ўқитилади. 11-синф якунида “Cambridge Assessment” то-монидан ташкил этиладиган имтиҳонларни топширади.

**Саминжон ХУСАНОВ**  
(«Халқ сўзи»).



# ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИ

## БУТУН МИНТАҚА ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ҳозир дунёда глобаллашув жараёни янада шиддатли тус олган. Бунинг таъсири халқаро сиёсат майдонида ҳам яққол сезилияпти. Янги-янги хавфу хатарлар, таҳдиду таҳликалар фонида жаҳондаги кучлар нисбати ҳам ўзгараётир.

Аmmo шундай мураккаб вазиятда мазкур жараёнларнинг шунчаки томошабини эмас, балки фаол иштирокчиси бўлганлар манфаат кўряпти. Зеро, юзага келаётган глобал муаммоларга ҳамжиҳатликда ечим топиш йўли бор экан, нега бундай имкониятдан унумли фойдаланмаслик керак? Фақат бунинг учун сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан пухта стратегиялар зарур. Глобал тенденцияларнинг мамлакатимиз ташқи сиёсати устувор йўналишларига таъсирини ўрганиб, шу асосда иш тутиш ва муҳим қарорлар қабул қилиш тақозо этилади.

## Ташқи сиёсат

Бугун давлатимиз ўз ташқи сиёсий курсини белгилаш ва амалга оширишда ана шу омилларга таянмоқда. Натижада ўтган беш йилда очик, жадал, исзчил, аниқ ва конструктив сиёсат юритиш Ўзбекистон дипломатиясининг энг асосий ютуғи сифатида эътиборга тушди ва эътироф этилди.

## Мамлакатимиз қандай мақсадни илгари сурмоқда?

Президентимиз Марказий Осиё-ни осойишталик, барқарор тарақ-қиёт ҳамда яхши кўнчилик ҳуду-дига айлантириш ташаббускори. Бу муҳим мақсад 2017 — 2021 йил-ларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стра-тегиясида ҳам ўз ифодасини топ-ган. Чунончи, ушбу дастуриламал ҳужжатда Ўзбекистоннинг ён-атро-фида хавфсизлик, барқарорлик, ахил кўнчилик муҳитини шакл-лантириш яқин истиқболдаги усту-вор вазифа сифатида мустаҳкам-ланган.

Ўзбекистоннинг минтақадаги давлатлар билан муносабатлари тубдан яхшиланди. Давлат раҳбар-лари ўртасида очик ва ишончли сиёсий мулоқотнинг мустаҳкамла-

ниши натижасида минтақадаги қўнчилар билан муносабатларда 2016 йилгача мавжуд бўлган қўллаб мураккаб муаммоларга ечим топилди. Президентлар ўрта-сидаги ўзаро ишонч мустаҳкамланди. Шу аснода қўшни мамлакатлар билан санода қўшни, саноат ишлаб чиқариши соҳаларидаги ало-қаларимиз исзчил кенгайиб бораёт-тир.

Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида глобал пандемия шароитига қарамай, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо ай-ланмаси умумий ҳажми 5 милли-ард долларни ташкил этгани кувон-нарли кўрсаткич. Мамлакатимиз-нинг умумий ташқи савдо айлан-масида Марказий Осиё давлатла-рининг улуши 2019 йилдаги 12,4 фоиздан 2020 йилда 13,6 фоиз-га ошган. Бундан 2017 — 2020 йил-лар оралигида Ўзбекистон ва ми-нтақа мамлакатлари ўртасида 300 дан ортиқ шартнома, шунинг-дек, қарийб 75 миллиард долларга тенг шартнома ва битимлар им-золангани кўл келди. Эътиборли-си, жорий йил якуни бўйича ҳам-корлик қўлмағи доир кўрсаткич-лар янада ошиши кутиляпти.

Бундан ташқари, жорий йилда Ўзбекистон Марказий Осиё давлат-лари билан алоқаларини кўп то-

монлама ҳамкорлик механизмлари, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ҳам ривож-лантириши мақсад қилган.

Ҳўш, бундай стратегиянинг аҳамияти нечоғли муҳим? **Ёлғиз отнинг донғи чиқмас...** Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ-ро жараёнларнинг фаол иштирок-чиси. Минтақавий ва глобал ма-салалар ечимида дадиллик кўрсат-моқда. Ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, муҳим иқтисодий ва сиёсий масалаларда ўз позиция-сини фаол равишда илгари сур-моқда. Кўп томонлама ташкилот-ларга аъзолик имкониятлари ҳам қатор эзгу ташаббуслар рўёби учун кенг йўл очаяпти.

Зеро, халқимиз нақл қилганидек, “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас”. Шу маъ-нода, ҳеч бир давлат алоҳида, яқна тартибда тараққиётга эриша ол-майди. Бугунги кун нуқтаи назари-дан ёндашганда, МДХ — Ўзбеки-стон учун энг муҳим бозор ва бу имкониятдан, салоҳиятдан оқилона фойдаланиш ҳар томонлама ман-фаатлидир.

Шундан келиб чиқиб, давлати-миз кейинги йилларда МДХдаги



иштирокини фаоллаштирди. Маса-лан, сўнгги уч йил давомида Ўзбе-кистон МДХ Иқтисодий кенгаши, Ҳамдўстлик Парламентлараро Ас-самблеяси ва Мустақил Давлат-лар Ҳамдўстлигининг 18 та соҳа-вий органига қўшилди. 2020 йил-да Ҳамдўстлик раислигини қабул қилганимиз ва уни муваффақият-ли амалга ошираётганимиз ҳам-корлик истикболдан далолат бе-ради.

Эътибор бериб, коронавирус пандемияси айни авж паллага чиқ-қан даврда чегаралар тақа-тақ ёпилди. Маълум мuddат бизнес, савдо-сотикнинг қўллаб тармоқла-ри фаолиятдан тўхтади. Олди-бер-ди муносабатларига танаффус эълон қилинди. Шунга қарамай, юқорида қайд этганимиздек, айрим шериклар билан савдо ҳажми 2020 йилда 20 фоиздан зиёдга кўпайгани оқори натижа. Ҳозир ҳам айрим мамлакатларда пандемия билан боғлиқ вазият мураккаб. COVID-19нинг янги тўлқини қатъий чекловларнинг қайтадан жорий қилинишига сабаб бўляпти. Ана шундай шароитда Ўзбекистоннинг МДХга аъзо мамлакатлар билан тўвдор айирбошлаш кўрсаткичлари барқарор ўсиб бораётгани кузати-моқда.

## Эзгу ташаббуслардан қандай натижалар кутиляпти?

Ўзбекистон МДХ доирасида қатор таклиф ва ташаббусларни илгари суриб келаётимиз. “Яшил” ва соддалаштирилган йўлақлар ама-лиётини кенг жорий этиш, элек-трон савдони ривожлантириш бўй-ича ягона платформани ишга туши-риш ва “Йўл харитаси”ни қабул қилиш шулар жумласидир.

Бунда агросаноат, машинасоз-лик, электротехника, энгил ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва бошқа устувор тармоқларда қўшма кластерлар ташкил қилиш мақсад-га мувофиқ, МДХ доирасида барча санитария талабларига риоя этган ҳолда ўзаро авиақатновларни им-кон қадар тез фурсатда қайта йўлга қўйиш зарурлиги ҳам таъкидланя-пти. Бу эса ишбилармонлик, гума-нитар ва сайёҳлик алмашинувлари-ни тиклашга хизмат қилади.

МДХ мамлакатларининг Ҳам-дўстлик давлатларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқа-роларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муно-сабат билан меҳнат мигрантлари ҳужжатларини ўзаро тан олишининг ягона механизмини яратиш ва бу соҳада алоҳида дастур қабул қилиш вақти келган. Шу мақсадда, би-ринчидан, чет элда меҳнат қилаёт-ган фуқароларимизнинг манфаат-лари ва ҳуқуқларини ҳимоялаш мақ-садида ташқи меҳнат миграцияси

соҳасида халқаро ҳамкорлиқни яна-да ривожлантириш зарур. Шундай сабаб-ҳаракатлар доира-сида 2021 йил 16 сентябрь куни Президентимиз “Халқро шартно-мада тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Ҳужжатга муво-фиқ, 2021 йил 28 май куни Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳам-дўстлиги иштирокчи-давлатларининг Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғи-лишида имзоланган Мустақил Дав-латлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-дав-латларининг аҳолиси бандлигига қўмаклашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим тасдиқланди.

Мазкур Битимнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан тасдиқла-ниши меҳнат миграциясини тартиб-га солиш бўйича ҳамкорлиқни муста-таҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъ-минлашга қўмаклашувчи ахборот пор-талларини интеграция қилиш орқали МДХ иштирокчи-давлатлари меҳнат бозорининг интеграция қилиш орқали ҳақидаги маълумотларни мунтазам янгилаб бориш, шунингдек, МДХ иш-тирокчи-давлатлари ҳудудида норас-мий бандликни қисқартириш бўйича самарали ҳамкорлиқни амалга оши-ришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, МДХ доираси-да ташқи сиёсат вазифаларини му-ваффақият билан бажариш мақса-дида парламентлараро алоқа ин-ститутларини ривожлантириш, гума-нитар, маданият, санъат, илм-фан, спорт ва туризм, нодавлат ташки-лотлар соҳаларида “халқ диплома-тияси” усулларини қўллаш, ягона туризм визаларини жорий этиш, партиялараро алоқаларни йўлга қўйиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Умуман олганда, Ўзбекистон илгари сураётган таклиф ҳамда таш-аббуслар қин ва узоқ истиқболда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстли-ги доирасида барча соҳадаги алоқалар мустаҳкамлашиши гарови бўлиб қолади.

**Жанплат КУДАЙБЕРГЕНОВ,**  
Тошкент шаҳридаги Ёдуг техника институти ректори.

# ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК

Ўзбек ва тоjik халқлари ўртасида маданий-маърифий, таълим-фан соҳаларидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида 2019 йилда "Ўзбекистон — Тожикистон" дўстлик жамияти ташкил этилди. Ўтган даврда дўстлик жамияти фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича қатор ўрнатишлар ташкил қилинди, шу билан бирга, жамият бошқарув аъзолари ҳамда юртимизда яшовчи тоjik миллатига мансуб ижод ва илм аҳли, фаоллар ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқда.



Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 10-11 июнь кунлари Тожикистон Республикасида расмий ташрифи чоғида Душанбе ва Тошкентда замонавий ўзбек ва тоjik адабиётининг танланган асарлари — антологияларини нашр қилишни тақлим этиб берди. Ана шу ташаббуснинг махсули сифатида "Ўзбекистон — Тожикистон" дўстлик жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда Тожикистон Республикасининг Суғд вилоятидаги Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази жамоатчилик ташкилоти билан ҳамкорликда "Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси" китоби нашр қилинди.

Бошқа институтларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан "Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси" китобини чоп этиш ва Тожикистонда яшовчи ўзбек миллатига мансуб фуқароларни ўзбек тилида нашр қилинган адабиётлар билан таъминлаш учун давлат гранти ажратилди. Давлат гранти ҳисобидан 70 дан ортиқ номдаги турли адабиётлар харид қилинди.

Ўшбу китобларни етказиб бериш мақсадида "Ўзбекистон — Тожикистон" дўстлик жамияти делегацияси жорий йилнинг 19 — 21 сентябрь кунлари Тожикистон Республикасида хизмат сафарига бўлди.

Ташрифнинг биринчи кунини Хўжанд шаҳрида Суғд вилоятининг Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази жамоатчилик ташкилоти раҳбари ва фаоллари билан учрашув ўтказилди. Учрашув иштирокчиларига "Ўзбекистон — Тожикистон" дўстлик жамияти бошқаруви раиси Ш. Ҳамроевнинг қизғин сарҳатлари билан сўзлашди. Жамиятнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот берилди.

"Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси" китобини нашр этишда амалий ёрдам бергани учун Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази раҳбарияти ва фаолларига миннатдорлик билдирилди.

Шу куннинг ўзиде делегация аъзолари Душанбе шаҳрига етиб боришди.

Эртасига эрта тондан Рудакий туманидаги Мавлоно Яъқуб Чархий ва Мавлавий ҳожи Хиндистоний ҳазратларнинг қабрлари зиёрат қилинди.

XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда яшаган нақшбандия таълимотининг йирик вакилларида Хожа Аҳрори Валининг устози бўлган мавлоно Яъқуб Чархий Ғазна (Афғонистон) шаҳри яқинидаги Чарх қишлоғида туғилган. У ўз давридаги илмларни эгаллаб, кўнглида тасаввуфга нисбатан ҳоҳиш пайдо бўлиб, Бухорога келди ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашиб, шогирд тушади. Чархий XV асрда Темурийлар давридаги тасаввуф, хусусан, Нақшбандия таълимотининг йирик вакилларида бири сифатида ном қозонади.

Мавлавий ҳожи Хиндистонийнинг асли исми Муҳаммадхон мулло Рустам ўғли бўлиб, 1892 йилда Қўқон музофотида қарашли Чорбоғ қишлоғида туғилган. 97 йил умр кўрган бу аллома инсонни илм аҳли "Ҳожи Хиндистоний", "Мавлавий Хиндистоний", "Ҳожи домулло", "Ҳазрати Мавлавий" сингари номлар билан эъзозлаб тилга олади. У киши Курьоний қаримнинг маънавий таржимаси — "Баён Фурқон фи таржуматил Курьон" китобини таъриф қилган.

Зиёрат давомида Мавлоно Яъқуб Чархий номли масжид имом-хатиби ва фаоллари, зиёратга келган

ҳузурдаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси бўлим бошлиғи Ф. Беков сўзга чиқди.

Ўзбекистон элчихонаси, Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи ва "Халқ овози" газетасига "Ўзбекистон — Тожикистон" дўстлик жамияти томонидан олиб келинган китоблар тақдим қилинди. Шунингдек, Оролни кўтариш халқаро жамғармаси ижроия қўмитаси, "Народная газета" муҳарририяти ҳамда шoir-ёзувчиларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Вазирилар Маҳамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси номидан китоблар совға қилинди. Таъдбир самимий, юқори руҳда ўтди. Суғда чиққанлар Ўзбекистон томонидан тожикистонлик ватандошларга кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдириб, хурсандликларини изҳор этди.

Ташрифнинг сўнгги кунини Хўжанд давлат университетида ҳам китобнинг тақдими ўтказилди. Унда университет профессор-ўқитувчилари, олимлари, шoir ва ёзувчилар иштирок этди. Таъдбирда Хўжанд давлат университети ректори Ж. Жўразода, "Сирдарё" хавзаси сув ҳўжалиғи бирлашмаси бошлиғи О. Холжўраев, Суғд вилояти ўзбеклар жамияти раисининг ўринбосари М. Ойматов ва бошқалар сўзга чиқиб, халқларимиз ўртасидаги муносабатлар, адабий алоқалар ҳақида сўз юритди.

Таъдбир доирасида Хўжанд давлат университети, Суғд вилояти Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази, Суғд вилояти ўзбеклар жамияти, Спитамен туманидаги 33-мактабга китоблар тақдим қилинди.

Шунингдек, Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон сув тековчи технологиялари жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган тақдимот ўтказилди.

Делегациянинг Тожикистон Республикасига сафари самарали ва мулоқотларга бой тарзда ўтди. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган келгуси режалар белгилаб олинди.

**Шухрат СҮНОНОВ,**  
«Ўзбекистон — Тожикистон»  
дўстлик жамияти ижроичи  
директори.

# ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Бухоро вилоятининг Пешку туманида рақамли технологиялар ўқув маркази иш бошлади. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи вилоят ҳудудий бошқармаси, "IT-park" Бухоро филиали раҳбарлари ҳамда иқтидорли ёшлар қатнашди.

## Пешкуда рақамли технологиялар ўқув маркази очилди

Пешку вилоятининг чекка ҳудудларидан бири. Ахборот технологияларига қизиқиши юқори пешкулик ёшларнинг билим олиш учун вилоят марказига қатнаши анча-мунча вақт ва маблағни талаб қилиши рости. Мазкур ўқув марказининг очилиши билан маҳаллий ёшларнинг дастурлаш, роботтехника каби бозоргир йўналишларда

мустаҳкам амалий кўникмаларга эга бўлиши, инновацион ишланмалар яратиши учун имконият юзага келди.

Бугунги кунда вилоятда фаолият юритаётган рақамли технологиялар ўқув марказлари сони ўн биттага етди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**  
(«Халқ сўзи»).

## Соғлом турмуш — иллат йўлига ғов

Термиз шаҳрида вилоят ҳокимлиғи, Ёшлар ишлари агентлиғи, Туризм ва спорт, Ички ишлар бошқармалари ҳамкорлиғида "Биз — ёшлар гўёҳандликка қаршимиз!" широри остида юриш марафони ўтказилди. Унда 4 мингдан зиёд ижтимоий соҳа вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

— Гўёҳандликка қарши курашиш дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бири ҳисобланади, — дейди Ёшлар ишлари агентлиғи Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Ж. Чориев. — Мамлакатимизда ҳам бу офатга қарши курашиш иллат йўлига қўйилган. Турли иллатлардан йироқ, ўзи ва атрофдагилар учун маъсулиятни ҳис қиладиган ёшларни тарбиялашда, аввало, уларнинг иродасини тарбия-

лаш, бўш вақтини тўғри тақсимлаш, ўзига бўлган ишонччи миллат келажиги, авлодлар саломатлиғи ҳимояланган бўлади. Бугунги таъдбир орқали биз аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни мақсад қилдик.

Юриш марафониде ёшлар фаол қатнашди.

**Илхом РАҲМАТОВ**  
(«Халқ сўзи»).

# ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИ НЕГА КУЧАЙТИРИШИМИЗ КЕРАК?

Шиддатли жараёнлар кечаётган, иқтисодий ва молиявий инқироз давом этаётган, атрофимизда хавфли можаролар рўй бериб, ёт маданиятлар "экспансияси" бўй кўрсатиб турган бир пайтда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни воғга етказиш, замонавий, етук кадрларни тарбиялаш масаласи умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб қолаётганини яна бир марта таъкидлаш ўринлидир.

Жаҳон тараққиётининг, жумладан, Ўзбекистон ривожининг ҳаракатлантирувчи кучи малакали, замон талабларига жавоб бера

## Нукта наруз

Ҳақли савол пайдо бўлади: нега кадрларни тайёрлашда ижтимоий фанларнинг ўрни муҳим? Чунки аниқ фуқаролик позициясига эга, жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқ ҳаётидаги ўзгаришлар ва ислохотларда фаол қатнашадиган, замонавий ҳамда кенг тафаккурли ёш авлод ҳозирги шароитда биз учун ниҳоятда муҳим. Шундай кадрларни етиштиришда, ёшларимиз бир томонлама тарбия топди. Навқирон авлод агар маънавиятга бўлма-са, манқуртга айланади қолади.

Меҳнатига муттасил скептик муносабатда бўлиш ҳолатлари соҳага жиддий зиён етказди. Айнан ана шундай ҳолат ушбу йўналишнинг айрим вакилларида "Биз ва бизнинг фанларимиз керак эмасми, бизга ҳам ҳеч нарса керак эмас. Шунчаки топшириқларни бажариб, фанларимизни ўқитиб ва дарсларимизни ўз вақтида ўтиб юрсак бўлди", деган тасаввур шаклланишига сабаб бўлган. Ваҳоланки, ижтимоий-гуманитар фанлар — тарих, фалсафа, ҳуқуқшунос-лик, археология, шарқшунослик, тилшунос-лик, адабиётшунослик, санъатшунослик ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришилган.

Назаримизда, олий таълим муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитишни жиддий қайта кўриб чиқиб, ушбу фанларни мазмун бойитган ҳолда уларни ўқитишни йўлга қўйиш учун Президентимиз тавсияси ва талаби етарли асос, деб ҳисоблаймиз. Зеро, ижтимоий соҳа бошқа техник ва иқтисодий, тижорат, молия, ҳўжалик соҳалари каби тўғридан-тўғри катта даромадлар келтирмайди. Лекин жамиятнинг маънавий бўлиши орқали юз берадиган оқибатлар ва офатлар тўғрисида бўлмайдиган қулфатларга сабаб бўлиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб берди. Чунончи, бундай таассуфли ҳол юртимизда ҳам учраб турибди. Ижтимоий фанлар ўрнида юзага келган бўлиш натижасида глобал таъдир ҳисобланган диний мутаассиблик, терроризм, жоҳилона адоваткорликка асосланган турли оқимларнинг пайдо бўлишига, саводи ҳакинмақадар чаламулалар ва уларнинг хориждаги гўмашталарининг на динга, на инсоний маънавиятга монс келадиган гоғларининг учриб кетишига олиб келдики, бун-дай оқибатини тасаввур қилиш инсонни даҳ-шата солади.

Балки ижтимоий фанларни қамайтирган ҳолда етук мутахассисларни тайёрлаш мумкин-дир. Аммо ҳақиқий ватанпарвар, миллат учун ғам чекадиган инсонни тарбиялаш анча мушкул иш. Учунчи Ренессанс ҳақида қанчалук кўп гагирмайлик, ҳаракат қилмайлик, унинг туб моҳиятини ижтимоий-гуманитар

оладиган, профессионал мутахассислар ҳисобланади. Бундай кадрларни, шубҳасиз, олий таълим тизими тайёрлаб беради. Шу сабабли бугун дунё тараққиётнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган илм-фан, таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Етук кадрларни тайёрлашда ижтимоий фанларнинг ўрни катта. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам деярли ҳар бир қишида ёшлар ва кадрлар тайёрлаш масалаларига тўхталиши бежиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг яқинда чоп этилган "Янги Ўзбекистон стратегияси" асарида ҳам таълим-тарбия тизими раванқига, жумладан, ижтимоий фанларни ўқитишни чуқурлаштириш масаласига кенг ургу берилган.

Фанларнинг ёрдамсиз ёшлар онгига синг-дириб бўлмайдди. Ижтимоий-гуманитар фанлар учинчи Ренессанс бошланиши ва ривожланишининг "каталитатори" ҳисоблана-ди. Айнан, улар халқни ва миллатини уйғотишга қодир кучдир.

Бугун биз замонавий билим ва техноло-гияларни, иқтисодийни эгаллаган авлодни тайёрлашимиз керак. Табиий-техник ва ик-



Моён қилди. Агар ижтимоий фанлар риво-жига тўлиб аясак, яна эски йўл узанларга қўшиб қоламиз. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайдим.

Шундай экан, таълим тизимининг барча босқичида ижтимоий фанларни қай тарзда тақсимлаш, ўқитиш ва амалиёт соатлари-ни қандай ташкил этишга доир махсус кон-цепцияни ишлаб чиқиш зарур эътиёбга ай-ланди. Шу сабабли Президентимиз ўзин-нинг "Янги Ўзбекистон стратегияси" аса-рида айтганидек, "Узлуқсиз таълим тизи-мида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари тўғрисида" қонунни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш эътиёбга мавжуд. Бу жиҳатдан, 2022 — 2030 йилларда Ўзбекистон Рес-публикасининг узлуқсиз таълим ва тарбия соҳасини гуманитарлаштириш стратегияси яратилиши ва амалга оширилиши мақса-дга мувофиқ, Шундангина биз иқтисодий со-ҳасида ҳам ҳар томонлама билимли замо-навий кадрларни тайёрлашга эришамиз. Ҳақиқатан ҳам, биз катта ниятлар билан пойдеворини қўяётган янги Уйғониш — Рен-ессанс даври мамлакатимизда мана шун-дай улкан боийлик яратишга, халқимиз ҳаётини фаровонлаштиришга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қол-диришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ижтимоий фанлар соҳасида одоб-ахлоқ қондалари ва маънавий-ятнинг оддий тушунчалари ҳамда содда талабларини бошланғич синфлардан ўрга-та бошлаш, олий таълим муассасаларида "Ижтимоий фанларни ўқитиш концепция-си"ни ишлаб чиқиш, янги Ўзбекистонни — обод ва фаровон, демократик мамлакатни, учинчи Ренессанснинг барпо этишда пед-агоглар, профессор-ўқитувчилар, ижодкор эшанилар энг катта куч, таянч ва суянч эканлиғи ҳисобга олинчи, улар фаолияти-ни қўллаб-қувватлаш, муносиб меҳнат ва турмуш шaroитини яратиб бериш талаб этилади.

Олий таълим масканларининг ривожлан-ган мамлакатлардаги каби бозор муноса-батларига асосланган кредит-модуль ти-

зимига тўлиқ ўтиши муносабати билан иж-тимоий фанлар ўқитилишининг қўлайиши кадрлар тайёрлаш харажатларини ошириб, уларнинг рақобатдошлигини қамайтирадиган ҳолат юзага келиши мумкин, бунда мазкур харажатларни давлат қўллаб бери-ши мақсадаги мувофиқ. Ахир, бу фанлар янги Ўзбекистон келажак авлодининг янги дунёқарашини шакллантиради. Нодавлат олий ўқув юртиларида эса ижтимоий фан-ларнинг ўқитилиши тўлиқ давлат бюортма-си сифатида бўлиши мумкин, шу орқали биз ўз ёшларимизни гоғсийликдан сақлаб қоламиз.

Ижтимоий фанларни таълим соҳаларига қараб тақсимлаш зарур. Масалан, педого-гик ва гуманитар йўналишга, техника, ин-женерлик, иқтисодийёт ва бизнес соҳалари-да алоҳида ижтимоий фанларни ўқув режа-ларига киритиш манлиқли бўлади. Олий ва ўрта махсус таълим вақирлиғида Ижтимоий фанларни ўқитиш масалалари бўйича мах-сус бошқарма ва жамоатчилик асосида Экспертлар кенгаши тузиш мақсадаги му-вофиқ. Қолаверса, Янги Ўзбекистон стра-тегиясидан келиб чиқиб, университет ва ин-ститутларда Ўзбекистоннинг энг янги тарти-би, фалсафа (мантйқ, этика, эстетика), Янги Ўзбекистон стратегияси, диншунослик, иж-тимоий антропология, сиебатшунослик, ҳуқуқшунослик (таълим йўналиши ҳисобга олинган ҳолда), педагогик ва гуманитар йўналишлардаги олий таълим муассасалари-да маънавиятшунослик, социология, фал-сафа тарихи, мантйқ фанлари чуқур ўқити-лаш, замонавий етук кадрларни тайёрлаш бо-расидаги ишмиз енгиллашадди.

Келгусида Ўзбекистонда Ижтимоий-гу-манитар фанлар университети ташкил қилиш ҳамда бу соҳада чуқур иктисосла-шувни амалга ошириш ўринлидир. Бундан ташқари, табиий ва аниқ фанлар соҳалари-да ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилишини таъминлаш ҳамда дарс соат-ларини қўлайитириш, олий маълумотли мута-хассислар тайёрлаш сифатини янада кўтариш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион ин-фратузилмасини шакллантиришда фалсафа ва фалсафий тафаккурни жорий қилиш, ҳар бир мутахассислик йўналишида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тасвирчан-лигини қўлайитириш, коррупцияга қарши ку-рашиш, шаффофликни таъминлашининг таъ-сирчан механизмлари сифатида ижтимоий-гуманитар фанларга кенг имкониятлар яратиш каби тақлим ҳамда тасвирчанлиги ҳам илгари сурмоқчимиз. Бу барча соҳада замонавий, малакали ва профессионал кадрларни тайёрлаш ишига хизмат қилади.

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,**  
Тошкент давлат иқтисодий  
университети профессори,  
фалсафа фанлари доктори.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 30 471 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташрифта келган қўғамалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета ташрифт компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг подгирфак аҳдатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — З. Худойшукоров.  
Мусаҳҳиш — Ш. Машраббаев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.15 Топширилди — 00.05

1 2 3 4 5 6